

ташқарида ривожланиб миграция қиладиган зараркундаларга қарши кураш тадбирлари зараркундалар сони бартараф этишдан ташқари, энтомофаглари сони эрта баҳордан бошлаб кўпайишига имконият яратиши ва кимёвий

препаратларни ниҳоллар мавжуд далада ишлатишни бартараф этиши ҳисобга олиниб, ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Айтимов Исламбек Алимбетович,
ТошДАУ Нукус филиали ассистенти

АДАБИЁТЛАР:

1. Ешмуратов Э.Ф. «Қорақалпоғистон шароитида полиз экинларининг сўрувчи зараркундаларига қарши уйғунлашган химия қилиш тизимини яратиш» мавзусидаги диссертация автореферати. – Тошкент, 2019. – Б. 5-18.
2. Торениязов Е.Ш., Бекбергенова З.О., Торениязова Л.Е. Жөнликлер экологияси тийкарлари. – Ташкент, 2017. – 256 б.
3. Хўжаев Ш.Т. «Ўсимликларни зараркундалардан уйғунлашган химия қилишнинг замонавий усул ва воситалари. – Тошкент, 2015.
4. Юсупов Р.О. «Қовун пашшасининг биологияси, зарари ва унга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги диссертация автореферати. – Тошкент, 2018. – Б. 5-20.

УЎТ: 632.937.2.7.

ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАМОЙИЛАРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АГРОБИОЦЕНОЗИ ПАРАЗИТЭНТОМОФАГЛАР ТУРЛАРИНИНГ ФИТОФАГЛАР БЎЙИЧА ОЗИҚЛАНИШИ

Аннотация. В статье представлены результаты исследований проведенных по особенностям питания энтомофагов, систематическому анализу, выявлению фитофагов и их паразитических видов в условиях Ташкентской области. В соответствии с этим на этой территории были выявлены 51 видов паразитических энтомофагов, относящихся к 12 семействам и 2-отрядам, основные из которых питаются фитофагами, относящихся к 8-отрядам с различными стадиями развития.

Ключевые слова: паразитические энтомофаги, естественные враги, энтомофауна, энтомофаг, специализация питания, отряд, семейство, вид.

Annotation: The article presents the results of studies on the nutritional characteristics of entomophages, systematic analysis, identification of phytophages and their parasitic species in the conditions of the Tashkent region. In accordance with this, 51 species of parasitic entomophages belonging to 12 families and 2 orders were identified on this territory, the main of which feed on phytophages belonging to 8 orders with different stages of development.

Keywords: parasitic entomophages, natural enemies, entomofauna, entomophage, food specialization, order, family, species..

Маълумки, экология ва атроф-муҳитнинг кескин ўзгарганлиги, инсон томонидан табиатнинг ўзлаштирилиши, ўша жойга хос бўлган биоценоз жонотларининг тур таркибининг ўзгариши ва унга хос бўлмаган айримларининг кескин кўпайиб кетиши кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида аввал иқтисодий хавфли бўлмаган бошқа турдаги ҳашаротларнинг кескин ортиши, қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда жиддий хавф туғдирмоқда. Пестицидлар сурункасига ишлатилиши натижасида зараркундалар уларга нисбатан чидамлилиқ ҳосил қилмоқда. Бу эса зараркундаларга қарши курашда йил сайин ишлов бериш ҳажми ва такрорийлигини, пестицидлар сарфлаш меъёрини оширишга олиб келади. (Абеленцова, Попов, 1970; Сухорученко, 2001; Захаренко, 2001;).

Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган ҳосил, унинг миқдори ва сифати билан белгиланади. Биобарин, сабзавот, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини имкони борича кимёвий токсик моддалар ишлатмасдан етиштириш, инсон саломатлигини таъминлаш, атроф-муҳит мусавволигини сақлаш билан бир қаторда, биоценоз ва агробиоценоздаги жуда кўп турдаги тирик мавжудотларни сақлаб қолиш билан ҳам боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалик экинларини химия қилиш соҳасида катта ютуқларга эришилганлигига қарамай ҳали ҳам ҳосилни зараркундалар ва касалликлар таъсиридан кўп қисми нобуд бўлмоқда. Адабиётдаги маълумотларга кўра қишлоқ хўжалик экинларида 70 мингдан ортиқ турдаги ҳашарот ва каналар туркумига мансуб зараркундалар организмлар учрайди

Шу билан бирга табиатда зараркундаларнинг паразит ва йиртқичлари кўплаб учрайди ва зараркундалар миқдорини камайтиришда паразитларнинг аҳамияти бениҳоядир. Жумладан, айрим тур паразитлар зарарли тунламларининг 30-45%, ғўза битларининг эса 42% гача сони камайтириб туриши кузатилган (Хамраев, 1992). Маълумотларга қараганда мамлакатимизда *Scolytus*, *Phloeosinus* оила вакиллари бир нечта самарали яйдоқчи паразит энтомофаглар ўрмон зараркундаларни 70-80 % гача камайтириб туриши аниқланган (П.Н.Кулинин, 1965).

Тадқиқот объекти ва услублари. Тадқиқотлар 2018-2019 йилларда Тошкент вилояти ҳудудидаги ғўза, боғ ва сабзавот агробиоценозидида олиб борилди. Тадқиқотлар асосан май ва сентябрь ойларида фитофаглар миқдори ортганда ўтказилди. Йиғилган фитофаг ва энтомофаг намуналари лаборатория шароитида аниқлағичлар ёрдамида таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари. Ҳозирда биологическая лабораторияда кўпайтирилиб қўлланилаётган тур паразитлар бракон, трихограмма ва энкарзия ҳисобланиб, уларни сифатли ва тўғри қўлланилиши ғўза агробиоценоз ўсимлик зараркундаларини 70-80 % гача сони камайтиради.

Тошкент вилояти агробиоценозидида ўтказилган кузатувларда фитофаглар сонининг талайгина эканлиги, энтомофаг паразитлар эса турли-туманлиги ўрганилди. Шу билан бирга турлар таркиби кенглигини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотлар давомида зараркундалар паразитлари тур таркиби ҳам ўрганилди. Йиғилган маълумотларимизга кўра, агробиоценозда учровчи зараркундаларнинг асосий паразит

**Тошкент вилояти агробиоценозипаразит энтомофаунасининг асосий турлари
озикланиш ихтисослиги (Тошкент вилояти 2018-2019 й.)**

Паразит турлари	Хўжайин ёки фитофаг тури	Озикланиш ихтисослиги
Hymenoptera - туркуми		
1 Trichogrammatidae оиласи	Тангачанотлилар	Тухуми
Trichogramma evanescens Westv.	-/-	-/-
Trichogramma pintoi Voeg.	-/-	-/-
Trichogrammaeuproctidis Gir.	-/-	-/-
Trichogramma principium Sug.Sor.	-/-	-/-
2 Braconidae Оиласи	Тангачанотлилар, каттиққанотлилар	Етук ёшли курти, кўнғиз
Apanteles telengai Tobias.	-/-	-/-
Apanteles kazak Tel.	-/-	-/-
Bracon hebetor Say.	-/-	-/-
Chelonus oculator Panz.	-/-	-/-
Homolobus truhcator Say	-/-	-/-
Cotesia melanoscela	-/-	-/-
Microctonus aethioides	-/-	-/-
Chelonus corvulus March.	-/-	-/-
Meteorus rubens Nees.	-/-	-/-
Meteorus gyrator Thumb.	-/-	-/-
3 Aphidiidae оиласи	Ўсимлик битлари	Имаго
Praon abjectum Halid.	-/-	-/-
Aphidius ervi Hal.	-/-	-/-
Trioxys camplanotus Quilis.	-/-	-/-
4 Scelionidae оиласи	Ярим каттиққанотлилар, Тўлкинсимонлар, тангачанотлилар	Тухуми
Telenomus nitidulus Thom	-/-	-/-
Trissolcus viktorovi Kozlov	-/-	-/-
Trissolcus grandis	-/-	-/-
5 Aphelinidae оиласи	Ўсимлик окканоти, қолқондорлар	Личинкалари
Encarsia partinorea	-/-	-/-
Encarsia formosa	-/-	-/-
Coccobius sp.	-/-	-/-
Ephedrus plagiator Nees.	-/-	-/-
Proan dorsal Hal.	-/-	-/-
Proan volucre Hal.	-/-	-/-
Lysiphlebus confusus Trembl.	-/-	-/-
6 Encyrtidae Кичик оиласи	Phenacoccus herreni	Имаго, тухумлар
Comperiamereti	-/-	-/-
Epidinocarsis diversicornis	-/-	-/-
Tetrastichus julii	-/-	-/-
Oulema melanopus	-/-	-/-
8 Chalcididae оиласи	Барг ўривчилар, куялар	Куртлари, гумбаклари
Conuratorvina	-/-	-/-
Brachymeria intermedia	-/-	-/-
Chirochus colon L.	-/-	-/-
Rhaphitelus maculatus Wik	-/-	-/-
Chrysocharis sp.	-/-	-/-
10 Ichneumonidae оиласи	Арракашлар, айридумлилар	Куртлари, қапалаклари
Campoplex frustrana	-/-	-/-
Diadegma insulare	-/-	-/-
Oulema melanopus	-/-	-/-
Conotrachelus nenuphar	-/-	-/-
11 Pteromalidae оиласи	Тангачанотлилар, каттиққанотлилар, икки канотлилар, каварикқанотлилар	Личинкаси, тухумлари, гумбаклари
Callitula Spinola	-/-	-/-
Catolaccus Thomson	-/-	-/-
Cheipachus Westwood,	-/-	-/-
Cyrtogaster Walker	-/-	-/-
Cyrtoptyx Delucchi	-/-	-/-
Habrocytus sp.	-/-	-/-
Икки канотлилар туркуми-Diptera		
12 Tachinidae оиласи	Тангачанотлилар	Етук ёшли курти
Carcelia phalaenaria R.-D.	-/-	-/-
Drina atropivora R.D.	-/-	-/-
Exorista larvarum L.	-/-	-/-
Gonia bimaculata Rond.	-/-	-/-
Spallanzania hebes Fal.	-/-	-/-

- хўжайин тур таркиби ва уларнинг озиқа ихтисослиги аниқланди (1-жадвал).

Йиғилган маълумотларга кўра, ўсимлик зараркунандаларининг паразитлари асосан 2 та туркум, 12 оилага мансуб 51 турга бўлинади. Унга кўра булар Hymenoptera туркумига кирувчи Scelionidae, Encyrtidae, Pteromalidae, Braconidae, Chalcididae, Aphelinidae, Eulophidae, Trichogrammatidae, Mymaridae, Ichneumonidae, Aphidiidae оила вакиллари Diptera туркумига кирувчи Tachinidae ва Phoridae оилаларидир. Юқорида келтирилган оила вакиллари озиқа ихтисослиги асосан ўсимлик зараркунандаларининг тухумлари, куртлари ва имаголарини ҳисобланади.

Биоценозда ҳашаротларнинг паразит – хўжайин муносабатлари узлуксиз бўлиши кузатилади. Чунки уларда паразит ёки хўжайин муносабатлари бузилса, бир турнинг кескин кўпайиб кетиши ёки умуман йўқолиши мумкин.

Агробиоценозда эса қишлоқ хўжалик экинлари асосий зараркунандаларининг яшаши учун қулай шароит бўлганлиги сабабли тезда кўпайиши ва кўпроқ зарар келтириши кузатилади. Улар сонини зарарсиз даражада камайтириб туриш учун уларнинг паразит ва йиртқиқларини жалб этувчи агротехник услублар ва қулай ички муҳитни яратиш керак. Мисол учун тухумхўр паразитларни агробиоценозга жалб қилишда дала экинларини суғориш ва намликни таъминлаш лозим. Айрим мамлакатимиз биоценозига хос бўлмаган ўсимлик зараркунандалари ҳам мавжуд бўлиб, йилдан йилга уларнинг зарари ортиб бормоқда, лекин уларнинг ихтисослашган паразитларини интродукция ва акклиматизация қилиш долзарбдир.

Б.А.СУЛАЙМОНОВ, академик,

А.Р.АНОРБАЕВ,

Тошкент давлат аграр университети

АДАБИЁТЛАР:

1. Сухорученко Г.И. Резистентность вредных организмов к пестицидам – проблема защиты растений второй половины XX столетия в странах СНГ // Вестник защиты растений. – Санкт-Петербург, Пушкин, 2001. – С.18-38.
2. Захаренко В.А. – Проблема резистентности вредных организмов к пестицидам – мировая проблема. Вестник защиты растений, 2001. №1. Санкт-Петербург-Пушкин, с.3-18.
3. Хамраев А.Ш., Турсунов М., Болтабоев А. Хищные клопы хлопково-люцернового агроценоза Китаба-Шахрисабзского оазиса Узбекистана // Узб. биол. журнал. – 1992. № 1. – С.61-65.
4. Кулинин П.Н. Жуки вредящие плодовым и орехоплодным культурам культурам южного склона гиссарского хребта. Душанбе. 1965г. с. 15.
5. Определитель вредных и полезных насекомых и клещей хлопчатника. Агропромиздат, -Ленинград, 1987.
6. Великан В.С. Определитель вредных и полезных насекомых и клещей плодовых и ягодных культур в СССР// Изд. «Колос», -Ленинград, 1984. С 32-33.